

**“ТАДБИРКОРЛИК” ВА “ТАДБИРКОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИ”  
ТУШУНЧАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ**

*Набиев Фуломжон Абдисаломович  
Қариш давлат университети*

**Аннотация:** Бозор муносабатлари шароитида турли жамиятларда ижтимоий фаолиятнинг асосий тури: тадбиркорлик кенг ривожланмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил қилиниши шахснинг тадбиркорлик компетенциясига эга бўлишини тақозо қилади. Тезисда “тадбиркорлик” ва “тадбиркорлик компетенцияси” тушунчаларининг назарий тавсифи ёритилади.

**Калит сўзлар:** компетенция, тадбиркорлик компетенцияси, тушунча.

**Аннотация:** В условиях рыночных отношений широко развивается основной вид социальной деятельности в различных обществах: предпринимательство. Эффективная организация предпринимательской деятельности требует наличия у человека предпринимательской компетентности. В тезисе дано теоретическое описание понятия “предпринимательская компетентность”.

**Ключевые слова:** компетенция, предпринимательская компетентность, понятие.

**Annotation:** In conditions of market relations, the main type of social activity in various societies is widely developing: entrepreneurship. Effective organization of entrepreneurial activity requires a person to have entrepreneurial competence. The thesis provides a theoretical description of the concept of “entrepreneurial competence”.

**Key notions:** competence, entrepreneurial competence, concept, theoretical description.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатнинг ўзига хос шакли бўлган бозор иқтисодиёти шароитида субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга бўлган қизиқиши кескин ортади. Бунинг сабаби тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун жамиятда қулай муҳитнинг шаклланиши, давлат бошқаруви органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг молиявий қўллаб-қувватланаётгани, уларга солиқ сиёсатида муайян имтиёзларнинг бериллаётгани билан боғлиқ.

М.Г.Лапустанинг ёндашувига кўра тадбиркорлик ўзида “бозор муносабатлари субъектлари томонидан истеъмолчилар ҳамда жамиятнинг маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га бўлган аниқ эhtiёжларини қондириш, шахсан фойда (даромад) олиш, шунингдек, ўзи олиб бораётган иш (ўзи бошқараётган корхона)ни ривожлантириш, бюджет ва бошқа хўжалик субъектлари олдидаги молиявий мажбуриятларини бажариш мақсадида амалга оширилаётган турли фаолият соҳаларида ташкил қилинадиган иқтисодий хўжаликни ифодалайди” [4, – с. 21]. Муаллиф тўғри таъкидлаб ўтганидек, ҳар қандай ҳолатда ҳам тадбиркорликнинг асосини иқтисодий хўжалик ташкил қилади.

Тадбиркорликнинг моҳиятини ёритишга эътиборни қаратар экан, Г.В.Лизенко ижтимоий фаолиятнинг бу турини қуйидагича таърифлайди: тадбиркорлик – истеъмолчиларнинг истеъмол эhtiёжларини қондириш ҳамда моддий даромад ва ахлоқий қониқишга эга бўлиш мақсадида ўз зиммасига ижтимоий, молиявий ва

ахлоқий асосга эга таваккалчиликни олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган турли фаолият соҳаларида хўжалик субъектларини ташкил қилиш жараёни [1]. Ҳақиқатдан ҳам фаолият қандай кўриниш, шакл ва характерда бўлишидан қатъий назар муайян жараёнда ташкил қилинади. Шу боис муаллифнинг “тадбиркорлик – бу жараён” деган фикри тегишли фаолиятнинг моҳиятини тўғри ифодалайди.

Роберт Хизрич томонидан берилган таъриф таҳлил қилинаётган фаолиятнинг моҳиятини янада яққол ёритади: тадбиркорлик – муайян қийматга эга бўлган ниманингдир яратилиш жараёни бўлиб, тадбиркор бу жараёнга зарур вақт ва кучни сарфлар экан, ўз зиммасига молиявий, психологик ва ижтимоий хавф эҳтимоли бўлган таваккалчиликни олади, бунинг эвазига молиявий маблағ ва эришилган ютуқлардан қаноатланиш ҳиссига эга бўлади” [5, – с. 20]. Дарҳақиқат, тадбиркорлик шахс зиммасига бир қадар хавфли бўлган оғир молиявий, психологик ва ижтимоий мазмунга эга таваккалчиликка асосланган мажбуриятни юклайди.

Шу жиҳатдан А.В.Соболеванинг қарашлари Роберт Хизрич томонидан билдирилган фикрни тўлдиради. Яъни, тадбиркорлик фаолияти ёки тадбиркорлик – жисмоний шахс ёки ташкилотнинг таваккалчилик ва молиявий жавобгарлигига асосланган ҳолда фойда, даромад олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишни амалга оширишга имкон берувчи ташаббусли, мустақил фаолияти [6, – с. 128].

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, назарий жиҳатдан “тадбиркорлик” тушунчаси тадбиркорга хос фазилат ва у томонидан ташкил қилинадиган хатти-ҳаракат моҳиятини англатади. Қолаверса, тадбиркорлик ижтимоий фаолиятнинг муайян тури сифатида эътироф қилинади. Тадбиркорликнинг бошқа фаолият турларидан асосий фарқи шундаки, уни ташкил этишдан асосий мақсад молиявий фойда кўришдир. Тўғри, шахс учун ҳар қандай ижтимоий фаолиятни ташкил қилишда ҳам моддий манфаатдорлик бўлади. Бироқ, бу манфаатдорлик асосий фаолият мақсадига эришиш йўлида ташкил қилинган ҳаракат учун тўланадиган ҳақ бўлиб, ҳаракатнинг ижтимоий фойдалилик, уни ташкил қилишга сарфланаётган куч (меҳнат) даражасидан келиб чиқиб белгиланади. Энг муҳими, шахснинг фаолияти таваккалчиликка асосланмайди.

Тадбиркорликда эса асосий эътибор фойда олиш, моддий даромадни кўпайтиришга қаратилади ва бу жараёнда таваккал қилинади. Қилинаётган таваккал ниҳоятда хавфли бўлиб, ҳам молиявий ҳам психологик салбий оқибатларга олиб келиш эҳтимоли юқори бўлади. Шу сабабли ташкил қилинган фаолият моддий фойда келтириши ёки аксинча, жуда катта миқдорда моддий зиён етиши мумкин. Таваккалнинг ижобий натижаланиши оқибатида олинган фойда тадбиркорнинг ижтимоий, табиий эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки катта миқдорда жамғарилади ва янги бизнес лойиҳаларни амалга оширишга сарфланади.

Тадбиркорлик фаолияти, одатда, кишлоқ хўжалиги (фермер) ва саноат соҳаларидаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий таъминот ҳамда тижоратни амалга ошириш шаклларида ташкил қилинади. В.С.Морозованинг қайд этишига кўра, таваккалчилик асосида “турли бизнесга оид вазифаларни ҳал қилиш ва тадбиркорлик фаолиятида юқори натижаларга эришишни таъминловчи шахсий ҳамда ишчанлик сифатлари, малака ва билимлар, хулқ-атворнинг тегишли модели”

[2, с.199]ни акс эттирувчи тадбиркорлик компетентлиги негизда акс этувчи фазилят, қобилият саналади.

Психологияга оид электрон манбаларнинг бирида “тадбиркорлик компетенцияси” тушунчаси шундай тавсифланади: белгиланган бизнес вазифаларни муваффақиятли бажариш ҳамда юқори натижаларга эришишга имкон берадиган шахсни характерловчи сифат, хулқ-атвор модели, малакаси [3]. Айни ўринда тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таърифни қуйидаги мазмунда бироз бойитиш зарур. Яъни, “фойда олиш мақсади ва таваккалчилик асосида белгиланган бизнес вазифаларни муваффақиятли бажариш ҳамда юқори натижаларга эришишга имкон берувчи шахсга хос сифат, хулқ-атвор модели, фаолиятни самарали ташкил қилиш қобилияти”.

Келтирилган фикрларга таянган ҳолда, “тадбиркорлик компетенцияси” тушунчасини қуйидагича таърифлаш тегишли сифатнинг умумий мазмунини нисбатан тўлиқ ёритишга хизмат қилади, деган фикрга келинди: шахснинг фойда олиш мақсадида ижтимоий, психологик ва молиявий зиён кўриш эҳтимоли юқори бўлишига қарамай таваккалчиликка асосланган ҳолда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий таъминот ва тижорат йўналишида муваффақиятли фаолиятни амалга оширишига имкон берувчи қобилиятлари. Тадбиркорликни самарали олиб боришда шахснинг инсон ресурслари билан ишлаш, молия, режалаштириш, маркетинг, бошқариш соҳаларига оид билим, амалий малака, тажрибага, шунингдек, лидерлик қобилиятига эгаллиги муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, тадбиркорлик – бозор иқтисодиёти шароитида кенг оммалашган ижтимоий фаолият, тегишли соҳа, йўналишларда таваккалчилик ва юқори даражада фойда олиш жараёни, шунингдек, хулқ-атвор модели саналади. Тадбиркорлик фаолиятини самарали, муваффақиятли олиб бориш шахсдан муайян қобилиятларга эга бўлишни тақозо қилади. Шахс томонидан тадбиркорликнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминловчи аҳамиятли қобилиятлар ягона тушунча – компетенция билан ифодаланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Лизенко Г.В. Понятие предпринимательской деятельности в эстетической медицине // <https://online.rae.ru/pdf/428>.
2. Морозова В.С. Понятие и структура предпринимательской компетентности менеджера // Ярославский педагогический вестник. – Ярославль: 2012 – № 2. Том II (Психолого-педагогические науки). – С. 199.
3. Предпринимательская компетенция // Психологос. Энциклопедия практической психологии // [http://www.psychologos.ru/articles/view/predprinimatelskaya\\_kompetenciya](http://www.psychologos.ru/articles/view/predprinimatelskaya_kompetenciya).
4. Предпринимательство / Учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим и управленческим специальностям. М.Г.Лапуста, А.Г.Поршнева, Ю.Л.Старостин, Л.Г.Скамай. Под ред. М.Г.Лапусты. – 3-е изд.; испр. и доп. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2024. – С. 21.
5. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство, или как завести собственное дело и добиться успеха. Предприниматель и предпринимательство Вып. I. Пер. с англ. Общ. ред. В.С.Загашвили. Перев.: И.И.Андреева, Е.Н.Николаенко. – М.: Прогресс, 1992. – С. 20.
6. Экономическая теория / Учебник. Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРАМ., 2007. – С. 128.